

ЎЗБЕК ПОЭЗИЯСИДА РИТМ ЯРАТИШ УСУЛЛАРИ.

Н.Х.Шарафиддинова

*ФарДУ академик лицей ўқитувчиси
филология фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)*

Аннотация

Мақолада ўзбек поэзиясида ритм яратишнинг бир усули, яъни товуши алмаштириши ва унинг ритм яратишдаги ўрни ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: система, структура, ритм, фонема, лексема, модел

Ритм яратишнинг омил – воситалари, кенг маънода айтилганда, тил системасининг структурал элементлари, яъни фонема, лексема ва гап қурилишнинг моделлариdir. Улар нутқда қўлланиши билан нутқ бирликларга айланади. Ана шу бирликлардан фойдаланиб, уларни турлича қўллаш орқали ритмнинг ранг-баранг хиллари, турлари яратилади. Бу ритм яратиш усулларидир.

Товуш, нутқ бирлиги сифатида, ритм яратишнинг энг фаол омил – воситаларидан биридир. Бу восита орқали ритм яратишда турли усуллардан фойдаланилади. Товуш алмаштириш ана шундай усуллардан бири.

1. Товуш алмаштиришнинг икки хил усули мавжуд:

Бирида айни бир сўздаги товушнинг ўрни алмаштирилади. Иккинчисида муайян бир сўздаги товуш бутунлай бошқа товуш билан алмаштирилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам сўз семантик структурасида ўзгариш келиб чиқмайди.

Товуш ўрнини алмаштириш “қора” сўзи мисолида қўйидаги қўринишларга эга:

Эй Навоий, бўйла қилған рўзгоримни қаро,

Ҳажр шоми эрди ёхуд дуди оҳим, билмадим [1,383]

Кўнгулга бўлди ажойиб бало қаро сочинг,

Шикаста кўнглума эрмиш қаро бало сочинг. [3, 34]

Қора сўзининг “қоро” фонетик шакли ҳам қўлланадики, бу шакл сўз вазнини яна ҳам оғирлаштиради. Бу ритмик жиҳат маъно билан биргаликда муаллиф психологиясини ҳам акс эттиради. Қуйидаги байтда қўлланган “қоро” фонетик шакли мана шу ҳолатни ҳам ифодалайди.

Чун вафосиздур қора қўзлар санга ҳам, эй кўнгул,

Мумкин эрмастурки, ул кўзи қоро қилгай вафо. [2. – Б. 33]

Келтирилган байтда қаро ва вафо сўзларининг ўрни алмаштирилган. Бундай алмаштириш тарди акс деб аталиши ҳақида тўхталиб, Ё. Исҳоқов Алишер Навоийдан қаро ва бало сўzlари ўрни алмаштирилган бир байтни келтиради. “Тарди акс – тескари ҳолда такрорланган. Мумтоз шеъриятда хилма-хил шаклда кенг қўлланилган ва ҳозирги шеъриятимиз доирасида ўз вазифасини адo этаётган поэтик санъатлардан бири..

Ваҳ не бало қародур, эй шўх, қаро бало кўзунг,

Гар худ эмас қаро бало, бас, не бало қаро кўзунг” [6, 77-78]

Бу сўзининг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги норматив фонетик шаклга қора суратидадир. Лекин янги давр ўзбек поэзиясида, яъни ҳозирги поэзияда ҳам, замонавий шаклида қўллаш билан биргаликда, анъанавий шаклда қўлланиши ҳам фаолдир.

Гулойиннинг қаро кўзи ҳаққий-чун,

Бизни бошла элимизни озод қил. [9, 35]

Қаро қилган қўк дафтарин

Қоронғулик қасдига.

Тонг йиғади

нур лашкарин

Шафақ туғи остига

[5,127-128]

Товуш ўрнини алмаштириш ритмини уюштириш, туроқ ва рукилараро мутаносибликни тиклаш учун хизмат қилади.

Ритм яратишида товуш алмаштиришнинг катта майдонидаги энг фаол сўзлар ёрдамчи сўзлардир. Уларда нарса, ҳодиса англатиш маъноси етакчи жиҳат бўлмагани туфайли товуш ўзгаришлари мантикий маъно ўзгаришларига олиб келмайди.

Ғамза ўқини гаҳ-гаҳ жонима раҳм этиб отар,

Ҳасратим ул дурурким, ул давлати тез бот ўтар [7,81]

Байтнинг биринчи мисра иккинчи рукни таркибида келган “гаҳ-гаҳ” ўзи таркибида келган рукнни мисрадаги бошқа рукнлар билан тенглашиши учун хизмат қилган. Унинг “гоҳ-гоҳ” тарзида қўлланиши рукнни бошқа рукнларга нисбатан “оғирлаштириб” юборар эди. Чунки “ни гоҳ-гоҳ жо” рукнида “о” унлисининг учта бўлиши шу ҳолни юзага чиқаради. “Ўзбек тилида “о” унлиси бошқа унлиларга қараганда энг чўзик” унлидир.

(4,681; 8, 24) Кўринадики, “о” унлисининг “а” унлисига алмашиши, бу ўринда, ритмик функциясига мувофиқлиги ва мос келганлиги аниқ кўзга ташланади.

Товуш алмаштириш шеърий мисраларни товуш уйғунлиги жиҳатидан уюштириш ҳамда қофия тизимини вужудга келтириш, тўлдириш вазифаларини бажаради ва бу билан ҳам ритмни метрик жиҳатдан таъминлаш учун хизмат қилади.

Янги давр поэзиясида ҳам товуш алмаштириш мумтоз поэзиядаги каби мисрани товуш жиҳатдан уюштириш, қофия ва ритм яратиш учун хизмат қилади. Шунингдек, тарихийлик билан ҳам боғланади. Масалан, Абдулла Ориповнинг “Нома” деб аталган шеърида қофия учун товуш алмаштирилган.

Биз томонга, эй нигора, не бало, бир келмадинг,
Кўзларимга бўлди дунё тим қаро, бир келмадинг. [10,103]
Байтдаги “қаро” сўзи “бало” сўзига қофиядош бўлишидан ташқари,
унда тарихий нома жанри нафаси ҳам уфуриб туради.
Хуллас, ўзбек поэзиясида ритм яратишнинг кўпгина усуллари
мавжуд бўлиб, товуш алмаштириш ана шу усуллардан биридир.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Алишер Навоий мукаммал асарлар тўплами . Йигирма томлик.
Иккинчи том. – Тошкент: “Фан”, 1987.
2. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик.
Тўртинчи том. Мезон ул-авзон. – Тошкент: “Фан”, 1989.
3. Бобур. Девон. – Тошкент: “Фан”, 1994.
4. Боровков А.К. Краткий очерк грамматики узбекского языка. В
словаре “Узбекско - русский словарь”, М.: госиздат, 1959.
5. Вохидов Э. Замин сайёраси. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2014.
6. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: “Zarqalam”, 2006.
7. Лутфий. Девон. Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти , 1965.
8. Махмудов А. Глассные узбекского языка. Тошкент , “Фан”.
9. Олимжон Ҳ. Тўртинчи том. – Тошкент: “Фан”, 1981.
10. Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Иккинчи жилд.
– Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,
2001.